

Ота-онага лутф кўрсатиш ва наҳйи қилмаслик



14:25 / 09 сентябрь 722

يَفِي رِيْبُجِ نُبِ دِيْعَسُ نَع
مَلْعَا مُكُّبَرُ } لَجَّوْ زَعِ هِلْوَقِ
نَا مُكْسُ وُفُنْ يَفِ اَمْبِ
:لِاقِ { نِيْحِلْ اَصِ اُونُ وُكَّتِ
يَلِ اِدَلْ وِلَا نِمُ ءَرْدَا بِلَا نُوْكَّتِ
:لَجَّوْ زَعُ هِلْ لَلِ لِقَاوِ يَدِلْ اَوْلَا
:لِاقِ { نِيْحِلْ اَصِ اُونُ وُكَّتِ نَا }

، ۛقِ دَا ص ۛ ۛي ن ل ا ن و ك ت ۛ ن ا
ن ي ب ا و ا ل ل ن ا ك ۛ ن ا ف }
ي ت ل ا ۛ ر د ا ب ل ل { ا ر و ف غ
ۛ ۛ ن م ۛ ت ر د ب .

Саъид ибн Жубайрдан ривоят қилинади:

«У зот азза ва жалланинг: «Аллоҳ ичингиздаги нарсани билувчи. Агар солиҳ бўлсангиз», - деган қавли ҳақида «Боладан ота-онага бўладиган муомала аломати» - деган.

Аллоҳ азза ва жалла: «Агар солиҳ бўлсангиз» (яъни, агар ният содиқ бўлса) «Албатта, У зот тавба қилувчилар учун мағфиратлидир», деган. Бу ундан содир бўлган аломат ҳақида».

Шарҳ: Яъни, бу ривоятда айтиляптики, Аллоҳ таоло боланинг ота-онасига бўлган ҳис-туйғусини билади. Юзида табассум билан боқаяпти-ю, ичи ғижиниб турган бўлса, уни ҳам билади. Ўзича, одамларнинг кўзида «ота-онасини ҳурмат қилар экан» - деб айтсинлар дея, эгилиб, қандайдир бир ҳушомадларни қилаяпти, лекин ичида: «Қани тезроқ кетсайди, мен ишимга тезроқ борсайдим» - деб турган ҳолат бўлса, Аллоҳ таоло уни ҳам билади.

Бу ерда ҳам ота-онанинг ҳаққи ниҳоятда улуғлиги, фарзанд ота-онасига бўлган муносабатда сирти бошқа, ичи бошқа бўлмаслиги кераклиги таъкидланяпти. Бутун қиладиган эҳтиромини, яхшилигини, ҳурматини сидқидилдан, астойдил қилиши керак, ичи билан таши ҳар хил бўлмаслиги керак.

ي ف م ي ه ا ر ب ا ن ع ش م ع ا ل ا ن ع
ه ا ب ا م ل ك ي ا ل ف ل ح ي ل ج ر ل ا

لُخْدَي ۛ لَاق ۛ نِي رَهَش ۛ هَاخَ أَوَا
هُمَّ لَكُيَ الْوَهُفُ طَلَي وَهَيَلَع

Аъмаш Иброҳимдан ривоят қилади:

«Отаси ёки акасига «икки ой гапирмайман» - деб қасам ичган киши ҳақида: «олдига киради, лутф кўрсатади ва гапирмайди», - деди».

Шарҳ: Бир киши отаси ёки акасига «икки ой гапирмайман» - деб қасам ичиб қўйибди. Қасамига амал қилай деса, зиммасида отасига ёки акасига яхшилик қилиш, ҳурмат қилиш вазифаси бор. Гапираверай деса, қасам ичиб қўйган. Хуллас, бу киши икки ўт орасида, оғир аҳволда қолибди.

Унга бу ноқулай вазиятдан чиқиш учун шундай йўл тутиш маслаҳат берилибди: «Отангнинг, акангнинг олдиларига кириб, ҳурматларини жойига қўясан, хизматларини қилаверасан, лутф кўрсатасан ва ҳоказо. Бироқ, муддат тугагунча гапирмайсан».

Демак, қасамга ҳам риоя қилинади, отага ёки акага ҳам муносиб муомалада бўлинади.

لَاق ۛ نَسَخُ لَانَعِ مَالَس ۛ نَع
يَادِلْ أَوْ رُمَّآ ۛ لُجْرُ هَلْ أَس
لَكَ ذَا هِرَكَ ۛ نِإ ۛ لَاق ۛ أَمْ هَاهُنَّ أَوْ
الَف

Салом Ҳасандан ривоят қилади:

«Бир киши ундан:

«Ота-онамга амру маъруф, наҳйу мункар қилсам, бўладими?» - деб сўради.

«Агар ёқтирмасалар, бўлмайди», - деди».

Шарҳ: Демак, ота-она фарзандининг насиҳатларини ёқтирмай, «Биз уни кўтариб катта қилган эдик, энди бўлса бизга ақл ўргатяпти» - деган нотўғри тушунчада бўлса, фарзанд ўзини эҳтиёт қилиб, индамай қўйса, бўлаверар экан.

«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.